

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 3 (5)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети
Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdurasulova Faxriya Bahtiyor qizi BUXORO AMIRLIGI IJTIMOYIY-IQTISODIY, SIYOSIY VA MA'NAVIY HAYOTINI O'RGANISHDA MANBASHUNOSLIK TAVSIFI	4
2. Abdullayev Akmaljon Xasanbay o'g'li O'ZBEKISTON TARIXI FANIDA DATA SCIENCENING O'RNI	13
3. Ergashev Husan Yusup o'g'li MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIX FANI VA TA'LIMINING RIVOJLANISHIDA O'ZMU TARIX FAKULTETINING O'RNI VA AHAMIYATI	19
4. Кенджаев Якуб Юсупович СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИРИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ (1941-1945)	26
5. Kandaxarov Anvar Xasanovich O'RTA ASR DAVLATCHILIGIDA DIN VA TASAVVUF VAKILLARINING TA'SIRI	31
6. Мухамедов Якубджан Кадирович ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ВИЗАНТИЯ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	44
7. Нишанбаева Энахон Зарипбаевна ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ	54
8. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ БУХОРО ТАНГАЛАРИГА ДОИР	64
9. Toshxujayev Shoxrux Erkin o'g'li BOBURIYLAR SULOLASINING JAHONSIVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI	74
10. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING BOSHQARILISHIDA KADRLAR MASALASIGA OID SIYOSATI	80
11. Эшқурбонов Фазлиддин Нуралиевич., Аннаев Джалолиддин Тухташевич ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР	87
12. Шакиров Ильяс Рахимзянович ВОПРОСЫ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КОРОЛЕВСТВА ТАИЛАНД (1991-2016)	101

Нишанбаева Э.З.

фалсафа доктори(PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Enishanbayeva@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-КИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёти соҳаларида аёлларнинг ўрни ва мақомини юксалтириш давлат сиёсатидаги ўта муҳим устуворлик ҳисобланади. Шу мақсадда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Мақолада мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ижтимоий шериклик муносабатларининг такомиллашиб борганлиги асослаб берилган.

Калит сўзлари: Ўзбекистон, мустақиллик йиллари, тарих, ижтимоий шериклик, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги, стратегия, қонун, ҳуқуқ.

Нишанбаева Э.З.

доктор философских наук (PhD), доцент
Национальный университет Узбекистана
Enishanbayeva@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОТНОШЕНИЙ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА В ЗАЩИТЕ ПРАВ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В Узбекистане повышение положения и статуса женщин в социальной, экономической и политической сферах жизни общества является важнейшим приоритетом государственной политики. Исходя из этого разрабатываются эффективные меры по повышению социальной активности женщин и обеспечению их занятости.

В данной статье обосновывается совершенствование отношений социального партнерства по защите прав женщин в годы независимости.

Ключевые слова: Узбекистан, годы независимости, история, социальное партнерство, общественная активность женщин, стратегия, право.

Nishanbaeva E.Z.

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor

National University of Uzbekistan

Enishanbayeva@mail.ru

IMPROVING SOCIAL PARTNERSHIP RELATIONS IN PROTECTING WOMEN'S RIGHTS IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

In Uzbekistan, increasing the position and status of women in the social, economic and political spheres of society is the most important priority of state policy. Based on this, effective measures are being developed to increase women's social activity and ensure their employment.

This article substantiates the improvement of social partnership relations to protect women's rights during the years of independence.

Key words: Uzbekistan, years of independence, history, social partnership, women's social activity, strategy, law.

КИРИШ

Ватанимиз ҳудудида асрлар давомида кечкан ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тарихий таҳлили жамият тараққиётида ижтимоий барқарорликнинг аҳамияти бекиёс эканлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий ва самарали воситаларидан бири бўлган ижтимоий шериклик тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифага айланмоқда.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда жамиятнинг сиёсий, ижтимоий–иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида аёлларнинг ўрни ва мақомини юксалтириш давлат сиёсатидаги ўта муҳим устуворлик ҳисобланади. Шу мақсадда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида давлатимиз хотин-қизларга катта эътибор бериб, жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабатда ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган аجدодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурматли ва иззатли муносабатда бўлишга даъват этишган. Асрлар ошсада, хотин-қизларга бўлган муносабат ўзгармади, аксинча уларга бўлган эътибор ошиб борди, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги ишлар даражаси ошиб, кўлами кенгайиб борди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда бу соҳадаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, унинг ҳуқуқий асослари мунтазам равишда такомиллашиб борди. Шу нуқтаи назардан “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида Ижтимоий шерикликнинг соҳаларидан бири сифатида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш белгиланганлиги[1] давлат бошқаруви органлари билан Нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг шу соҳадаги ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир[2].

Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу Фармон хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ва “Янги Ўзбекистон стратегияси”да инсон ҳуқуқларини таъминлаш устувор йўналишлардан бири бўлиб, бу масалага хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминламасдан, уларни ижтимоий ҳимояси масаласини ҳал этмасдан эришиб бўлмаслиги белгиланган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг аёллари мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига катта ҳисса қўшиб келган. Шу боисдан уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш мақсадида бир қанча ишларни амалга ошириш учун ижтимоий шериклик муносабатлари асосида оналик ва болалик, хотин-қизларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом оилани шакллантириш борасида давлат бошқаруви органлари билан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳамкорлиги асосида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси таъминлаш, гендер мутаносиблигига эришиш, аёлларнинг қарор қабул қилишдаги ролини ошириш мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни янада самарали ҳал қилиш имкониятини юзага келтиради.

Бу борада Президентмиз Ш.Мирзиёев: “Юртимизда меҳнатқаш, олижаноб халқимиз, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг энг устувор вазифаси этиб белгиланган. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда” – деб таъкидлайди[3].

Мамлакатда сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган, жумладан, гендер тенглик масаласига оид 2 қонун, Президентнинг 14 фармон ва қарори, 25 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди[4]. Хусусан, қисқа давр ичида иккита янги қонун “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги[5] ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги[5] Қонунларнинг қабул қилиниши оналик ва болалик, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом оилани шакллантириш борасида ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг қуйи бўғин–маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилди. Маҳаллаларда оилалар билан ишлаш, ҳар бир аёл ва унинг оила аъзоларига индивидуал ёндашувни ташкил қилиш мақсадида хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди ва унга давлат хизматчиси мақоми берилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хотин-қизлар мақоми бўйича комиссиясининг 68-сессиясида қатнашган Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Нарбаева Ўзбекистон қонунчилигида оиладаги зўравонликни жиноят деб белгилаш ва аёлларнинг давлат бошқарувидаги улушини ошириш ҳақида сўз юритиб, “Сўнгги беш-олти йил давомида аёллар ва эркалар учун тенг имкониятларни таъминлаш масаласи бутун давлат сиёсатимизнинг биринчи ўринига қўйилди. Ўтган йили Конституциямизни янгиладик. Конституцияда Ўзбекистон дунёвий, ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Янгиланган Конституциямизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Биласизми, узоқ

йиллар давомида бизнинг мамлакатларда, постсовет ҳудудидаги Марказий Осиё давлатларида бу мавзу табу эди, дейишимиз мумкин. Умуман олганда, зўравонликка оид масалага келганда, уни миллий урф-одатларимиз, менталитетимиз, Марказий Осиё ва мусулмон мамлакатлари халқларининг феъл-атвори билан боғлашар эди. Лекин сўнгги йилларда одамларнинг дунёқараши ўзгарди, аёллар ўз ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб қила бошлади. Энг муҳими, давлатларимиз раҳбарияти бизнинг мурожаатларимизни жуда ижобий қабул қилмоқда ва барча раҳбарлар аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқ ҳамда тенг имкониятларга эга бўлиши керак деган фикрга мутлақо қўшилмоқда”, – дея таъкидлади Танзила Нарбаева[6].

Шу билан боғлиқ ҳолатда, Ўзбекистон оиладаги зўравонликни жиноят деб ҳисоблаган Марказий Осиёдаги илк давлат бўлганлигини айтиш жоиз. “Биз иккита асосий қонунни ҳам қабул қилдик. Бу Ўзбекистонда аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар тўғрисидаги ва зўравонликка қарши қонун. Ушбу қонунлар билан оиладаги зўравонликни жиноят деб белгиладик. Бу масалалар нафақат Ўзбекистон учун, балки ривожланган давлатлар учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўрмоқдамиз”.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишга оид алоҳида норма белгиланган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистондаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гендер экспертизасидан ўтказилиши ташкил этилган. Натижада бирор бир қонун ҳужжати аёллар манфаатига зид бўлса, унинг қабул қилинмаслигига эришилди[7].

Хотин-қизлар ва оилалар билан ишлаш тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси[8] тузилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида алоҳида қўмита ташкил этилди. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолияти қайта ташкил этилиб, ҳукумат тузилмаси таркибига киритилди[9], Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси[10], 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинди[11].

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом оилани шакллантириш борасида давлат бошқаруви органлари билан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий шериклиги имкониятларини янада кенгайтирди. Айни чоғда, бу қонун ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва янги институционал

тузилмаларнинг шакллантирилиши аёлларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб шароит яратиш, жамиятда кечаётган жараёнларга фаол жалб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан ҳамда бу жараёнга фуқаролик институтлари фаол жалб қилинаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Бугунги кунга келиб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзоларининг 24 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг 25 фоизи аёллардан иборат[12].

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши белгиланди.

Мамлакатимизда барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг камида бир нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш тизими жорий этилди. Натижада раҳбар аёллар сони 2017 йилда 27 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 33 фоизга етди. Аёлларнинг улуши тадбиркорлик соҳасида 37 фоиз, сиёсий партияларда 47 фоиз, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида 46 фоиз, тиббиётда 77 фоизни ташкил этмоқда[12].

ЎзЭОАВМА томонидан жорий йилнинг августида ўтказилган “Янги Ўзбекистоннинг фаол аёли” мавзусидаги очик мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши, шунинг натижасида мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламентлар ўртасида 37-ўринга кўтарилганлиги маълум қилинди[13]. Бу рақамлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом оилани шакллантириш борасида давлат бошқаруви органлари билан баробар даражада халқ вакиллари, аёллар фаол иштирок этаётганидан даолат беради.

Амалга оширилган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон Парламентлараро Иттифокнинг 2021 йилги “Сиёсатдаги аёллар” жаҳон рейтингида 45-ўринни эгаллади. Бу борада мамлакатимиз 130 дан ортиқ давлатлар, жумладан, Германия, Австралия, Канада, АҚШ, Марказий Осиёнинг барча давлатлари ва бошқаларни ортида қолдирди[14].

Хусусан, Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда 2,9 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда қарийб икки баробар ошди ва 5,7 фоизга етди[15].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар, турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда[16].

Фуқаролар йиғинига бўлиб ўтган сўнгги сайловларда 1025 аёл сайланди. Ташкилот ва корхона раҳбарларининг 45,3 фоизи аёллар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда 82 фоиз, фан, таълим, маданият, санъат соҳасида 72 фоиз, қишлоқ хўжалигида 45 фоиз, саноатда 38 фоиз тадбиркорлик субъектларининг 29 фоизи аёллар фаолият юритади.

Суд тизимида фаолият кўрсатаётган 181 аёл судьянинг 26 нафари раҳбарлик лавозимида меҳнат қилиб келмоқда[17].

Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбар лавозимларга тайинланди.

Сенат раислигига аёл кишининг сайланиши орқали Ўзбекистон палата раҳбари аёл киши бўлган саноқли – 56та давлат сафига кирди[18].

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида гендер тенглигига эришди.

Ўзбекистонда жамиятнинг барча соҳаларида аёл ва эркаклар тенг ҳуқуқлигини таъминлашни мақсад қилувчи 2030 йилга қадар Гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди[19].

Ватанимиз ва халқимиз олдидаги муносиб хизматлари учун 17 аёл энг олий мукофот – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Илм-фан нуфузини янада оширишга катта ҳисса қўшган, янги илмий мактаблар яратган 12 олима академик илмий унвонига эга бўлди. Охириги уч йилнинг ўзида 463 хотин-қиз фан доктори (DSc), 2816 нафари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлди. Жамият ва давлат ҳаётида фаол, ташаббус кўрсатган аёллар билан бир қаторда фарзандларини баркамол инсонлар этиб вояга етказган уй бекаларига ҳам бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди ва шу кунга қадар 1451 аёл тақдирланди[20].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари ташкил этилиши бошланди[21].

Юқоридагиларни таъкидлаш билан бирга, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, хотин-қизларга нисбатан юзага келган стереотипларни

ўзгартириш учун давлат бошқаруви органлари билан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг самарали ижтимоий шериклиги зарурлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши бугунги куннинг долзарб масаласи эканлигини қайд этиб, : “Миллий сиёсатимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад – оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осоёйишта ҳаётини таъминлашдан иборат”[22] деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган бундай ишлар ва эришилаётган натижалар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. 2023 йил 5-6 июль кунлари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро форум бундан далолатдир. Тадбирда қатор чет эл мамлакатларидан нуфузли меҳмонлар, Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, маҳаллий раҳбар аёллар ва фаол хотин-қизлар иштирок этганлиги бунинг ёрқин намунасидир[23].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлашимиз лозимки, юқоридаги мисоллар Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларида халқаро стандартлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, гендер сиёсатининг турли соҳалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик истикболли йўналишларни белгилаш, уларнинг жамият ҳаётида муҳим қарорлар қабул қилишдаги иштирокини янада ошириш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганидан ҳамда бу соҳада тизимли ишлар олиб борилаётганини кўрсатмоқда.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКА / REFERENCES

1. “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. <https://lex.uz/acts/2468214>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3546742/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekistonda-butun-xalqimiz-qatori-xotin-qizlarimiz-uchun-ham-munosib-sharoitlarni-yaratib-berish-eng-muhim-vazifamiz-bolib-qoladi_577005

4. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлади // <https://senat.uz/uz/lists/view/2933>
5. «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // <https://lex.uz/docs/4494849>
6. Марказий Осиё давлатларида оиладаги зўравонлик мавзуси табу эди — Танзила Нарбаева. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/03/15/family-violence/>
7. «Халқаро ташкилотлар лойиҳалари давом этиши учун норматив ҳужжат қабул қилиш керак» — Танзила Норбоева // <https://www.gazeta.uz/uz/2021/06/16/narbaeva/>
8. Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича муҳим қадамларни қўймоқда // <https://strategy.uz/index.php?news=745>
9. Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича муҳим қадамларни қўймоқда // <https://strategy.uz/index.php?news=745>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // <https://lex.uz/docs/3598044>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.03.2022 йил. ПФ-87-сон. <https://lex.uz/docs/5899498>
12. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси. <https://yuz.uz/news/xotin-qizlarni-qollab-quvvatlash-boyicha-ozbekiston-tajribasi>
13. @ijtimoiyfanuz
14. Ўзбекистон «Сиёсатдаги аёллар» жаҳон рейтингда 45-ўринни эгаллади. <https://daryo.uz/k/2021/06/13/ozbekiston-siyosatdagi-ayollar-jahon-reytingida-45-orinni-egalladi/>
15. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси. <https://yuz.uz/news/xotin-qizlarni-qollab-quvvatlash-boyicha-ozbekiston-tajribasi>
16. Ўзбекистон бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди // <https://www.xabar.uz/lwi9>
17. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси. <https://yuz.uz/news/xotin-qizlarni-qollab-quvvatlash-boyicha-ozbekiston-tajribasi>
18. «Сенат раислигига аёл кишининг сайланиши гендер тенглиги сари муҳим сиёсий қадамдир» — Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ <https://kun.uz/58530631>
19. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори // [ex.uz/docs/5466673? query=фуқароларни%20ўзини%20ўзи%20бошқариш](https://lex.uz/docs/5466673?query=фуқароларни%20ўзини%20ўзи%20бошқариш)

20. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси.
<https://yuz.uz/news/xotin-qizlarni-qollab-quvvatlash-boyicha-ozbekiston-tajribasi>
21. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар)ларда хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашларини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // <https://lex.uz/docs/4948445>
22. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6679>
23. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси.
<https://yuz.uz/news/xotin-qizlarni-qollab-quvvatlash-boyicha-ozbekiston-tajribasi>